

# БОЙЧИБОРИМ, ҚАЙДАСАН?!

ОЛТИН МЕРОС

***Агар мендан биров «дунёда энг бой халқ ким?» деб сўраса, Ўзбеклар деб жавоб берардим. Ўша одам «энг бой-у, лекин гоҳо лоқайдлари ҳам кўп-да» деса, кўнглим оғрийди. Чунки... Йўқ, гап бу ўринда минглаб йиллик тарихимиздан узилиб қолганимиз ҳақида эмас. Ёки кўплаб тарихий обидаларимизнинг йўқ қилиб ташланганлиги ё қаровсиз ҳолда ётганлигида ҳам эмас. Янглишдингиз: бой, лекин бу кун ғариблашган тилимиз тўғрисида ҳам сўралмаяпти.***

Гап спорт хусусида кетаяпти.

Хўш, «ўзбек спорти» ҳақида нимани биламиз? Деярли ҳеч нарсани. Аммо бу бир қарашда.

Келинг, аввал «бойлигимиз» ҳақида мулоҳаза юритайлик. Муқбул тоштарни эсланг: палаҳмондан тош отиш -- спортми? Спорт! Узукдан найза отиб ўтказишчи? Спорт! Кураш-чи? Чавгон-чи? Улоқ-чи?.. Буларнинг ҳаммаси спортга киради. Демак, спорт турларидан ўтмишда камбағаллигимиз сезилмаган.

Бугун-чи? Юқорида саналган спорт турларидан қай бирини оммалаштира олдик? Тўғри, ўзлаштирдик, ғарбона, ғарибона ўзлаштирдик.

Бугун палаҳмон десак, кўпчилик нималигини тасаввур ҳам қилолмайди. Кўпкари-улоқ ҳам шу аҳволда. Бухоро ва Фарғонача кураш аввалига «икки дарё оралиғида» эди. Ниҳоят, озодликдан сўнг шахсан мамлакатимиз Президентининг ташаббуси ва катта мадади туфайли миллий кураш қайтадан «тирилди». Аммо биз барибир ҳалиям ота-боболаримиз меросига лоқайдмиз. Ахир спортнинг янги тури ҳар куни яратилавермайди-ку! У минглаб йиллар ичида шаклланади, халқ руҳига сингади.

Бугун ўзим кўрган бир кўпкари ва ўша лаҳзаларда юрагимни ўртаган ўйлар ҳақида ёзгим келди...

.... Томоша бошланяпти. Тўрт тараф айлана қирлик. Ўртада катта майдон. Зап томошабоп жой. Ҳаммаёқни отларнинг ҳовури тутиб кетган. Бақир-чақир. Бир пайт «улоқ келди» деган овоз янгради. Чавандозлар қийқириб юборишди. Баковул (даврабоши) ҳайқирди: «Ҳой чавандозлар, эшитмадим деманглар. Ҳалоллайсан. Қайиш йўқ. Чилвир тортдингми, тамом, зот бермайман, домангир бўлма. Фақат тақим қилганники ҳалол бўлади. Қани, улоқни ташла!»

Агар четдан кузатиб турган ё бундай даврага биринчи бор тушиб қолган одам бўлса, бу сўзларга дарров тушунмайди. Аслида эса оломонни ҳалоллик ва мардликка чорлаётган сўзлар ўзимизнинг асл ўзбекона лутфларимиздир.

Сур-сур, бақир-чақир бошланди. Ҳамма ўзини ўртага уради. Қамчилар қарсиллайди. Баланд пошнали нўғой этик, бошига танкчиларнинг шлёмини кийиб олган чавандоз бўйи баравар ерга ўзини ташлайди. «Кўтарилди, ҳа, қўйма, отини қамчила» деган овозлар босиб кетди. Юзлаб отлар пишқириб дарё тўлқинидай оқади. Жим кузатиб турибман. Яна ўша чавандоз. Четгирлар ҳам унга эргашолмайди. Буриб кетди зангар. Юз-кўзлари зўрға кўринади. Ўртадан ёриб чиқиб келди. Ва «ҳов-ҳов» дея баланд ҳайқириқ остида улоқни ташлаб юборди. «Ҳалол! Файзулла полвоннинг зотини беринг!» Баковулнинг буйруғи янгради.

Файзулла полвон! Шошма, бу ўша ўзим билган ва яқиндан биладиган чайир ва қотма бола эмасми? Ҳарбийга бирга жўнаганмиз. Йўл-йўлакай «э, худо, оти бор жойга тушайлик-да. Ҳамманг чавандоз бўлиб келасан» деганди у ҳазиллашиб. Ярим йўлда айрилиб кетганмиз. Уни орадан ўн йиллар ўтгач, бугунгидай катта тўйда кўрганман. Яна учрашдик. Кўпкарига «омин» берилгач, гурунгимиз қизиди. У ҳазин оҳангда дардлашиб кетди: «Э, жўра, менинг томиримда қон гупуряпти. Манаман деган чавандозлар билан юрт кездим. Туркманистон, Қозоғистонгача бориб davраларни титратдик. Ҳамма тан берди ўзбекларга. Лекин кўпкари йил сайин биздан узоқлашиб бораётгандай. Болаларда қизиқиш йўқ. Отларнинг зотини билмайди. Лекин Брус Ли, Ван Дамм деганлари қайси киноларда қандай рол ўйнаганини адашмай айтиб беради. Бундан суюнмаслик керак, аксинча, хавотирланиш керак. Авваллари вилоят, туман миқёсларида ҳар доим кураш-кўпкарилар ўтарди. Зўр-зўр полвонлар кашф қилинарди. Ҳозир-чи?

Хайриятки, ўтган йили Амир Темур бувамизнинг қутлуғ тўйлари шарафига Қашқадарёда катта кўпкарилар ўтди. Қани энди, бу соҳагаям эътибор кучайса. Ахир битта Қашқадарёнинг ўзида юздан ортиқ энг машҳур чавандозлар бор. Абдимўмин полвон, Ўрол полвон, Абрай полвон, Холиёр полвон, Жамолхон, Шерали полвонларнинг издошларини кўрмаяпман. Бор, лекин кам. Бу ёғи Сурхондарё, Самарқанд, Жиззах тарафларда ҳам довруқли чавандозлар кўп. Уларнинг ҳар бири достонларга сиғгулик».

Ўша куниям Файзуллага худо берди. Энг сара совринларни олди. Мен билан хайрлашаётиб шундай деди: «Негадир кўпкари ҳақида кам ёзаяпсилар-да. Ғози Раҳмон дегани ҳар-ҳар замонда бир нималар битиб юрарди. Уям жимиб кетди ҳозир. Бу ахир ўзбекнинг, қолаверса, туркийларнинг энг суйган удуми-ку! Халқ омон бўлса, ўз бойлигини асраб қолаверади».

Унинг гинасини тушундим. Мана биз, четдан, яна кўпинча Ғарбдан андоза излаймиз. Ғариблик эса худди ана шу қадамимиздан бошланишини гоҳо унутиб қўямиз. Бизларнинг кўз қорачиғимиздай асраб келаётган бундай қадриятларимиз олдида Ғарбники нима деган гап?

Азиз Ватандош! Гапни шу ерда мухтасар қилсам-да, сизни ҳам бир эшитсам. Нима дейсиз? Кўпкари ҳақида ҳозирча бир шингилгина мулоҳазам шул. Кейинги сафар «КУРАШ»га борамиз.

**Норқобил ЖАЛИЛ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

АКС-САДО

# ҲАР НАРСАДА ИНСОФ БЎЛСИН

Қадрдон газетамизнинг шу йил 25 феврaль сонида эълон қилинган «Шарқона ҳаётга ғарбона ҳукм» сарлавҳали мақолани мен ҳам қониқиш билан ўқидим. Ҳамкасбимиз И. Норматов мутахассис сифатида ўша радиостанциялар эшиттиришларини холис ва айтиш керакки, инсоф билан таҳлил этган. Бунда у ўзи айтаётган шарқона талабга тўла амал қилган. Гарчи у хорижга кетиб қолган уч-тўрт кишини яхши билса ҳам, одоб юзасидан уларнинг бирортаси номини мақолада келтирмаган.

Худодан яширмаганимни бандасидан яшириб нима қиламан: мен ҳам баъзан радио қулоғини бурайман. Ўша гапларни, яъни Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари бузилаяпти, деганларини эшитаяпман. Бунга асос қилиб, миш-мишлар, баъзан эса йўқдан бор қилинган, тўқилган бўҳтонлар ҳам ишга солинмоқда. Масалан, яқинда ҳаммамиз биладиган, ҳозир хориждан паноҳ топган ҳамюртларимиздан бирининг айтишича, Ўзбекистонда одамларнинг уйи тинтув қилиниб, диний китоблар тортиб олинаётганмиш. Ё тавба! Ахир, бу қип-қизил тўҳмат-ку! Ўзимни унчалик тақводор деб ҳисобламайман. Уйдаги китобларни кўздан кечирдим, улар орасида Ислом динига оидлари ҳозирдаёқ элликдан ошиб кетибди. Бундай китоблар барча бозорларда, расталарда, китоб дўконларида бемалол сотиляпти. Нима десам ишонишаверади, деб киши шу даражага борадими?!

Яна: умуман, барча динларга эмас, балки айнан Ислом динига қарши кураш олиб борилаётган эмиш, бошқа динлар эркин фаолият кўрсатаётган эмиш. Гап шу ерга келганда, нима дейишни ҳам билмай қолдим. Одам деганда, ҳар нарса бўлганда ҳам, инсоф бўлиши даркор. Билсангиз, баъзи маҳаллаларда бир эмас, балки иккитадан масжид бор. Рост сўзлашга тилингиз айланмаса, жилла қурса сукут сақлаганингиз маъқулмиди...

Очиғини айтсам, ёлғон аралашган жойда ишонч йўқолади, эътиқоддан путур кетади. Бўҳтон бор жойда эса, инсоф кўтарилади. Шу муносабат билан бундай радиостанциядагиларга, айни пайтда менинг дахлдорлик ҳиссиётимга ҳам тош отаётганларга икки оғиз айтадиган гапим бор. Буни сизлар менга қараганда яхшироқ биласизлар, шундай бўлса-да, биргаликда бир эслаб олсак, фойдадан холи бўлмайди. Қизил империя даврида: қани биздан ўзга юртларда нима гаплар бор экан, қандай воқеалар юз бераётганикан, деб радио қулоғини бураб, уни чет эллардан бериладиган эшиттиришлар тўлқинларига тўғрилашингиз билан ёмон тракторнинг бузуқ мотори гувиллашига ўхшаш асабларни қақшатадиган ниҳоятда ноxуш товушдан бошқа ҳеч нарсани англаб бўлмасди. Қанча уринманг, ярим-ёрти сўзлардан бошқа бирор нарсани аниқлаб бўлмасди. Борди-ю, кимдир уч-тўрт жумла сўзни эшитиб қолса ва уни қай бир кимса билан ўртоқлашса борми -- боши балога қоларди. Уни биздан эмас деб эълон қилардилар. Ходимларингизнинг юртимизга келиб эмин-эркин юришларига йўл бўлсин эди. Борди-ю, бир амаллаб келса-ю, бирор кимса билан учрашиб гаплашса, бу эндиликда оддий ҳодиса бўлиб кўринаётган воқеа, у пайтларда бизнинг одамларимиз учун сотқинлик деб баҳоланарди. Булар бор гаплар-ку, уларни ҳеч ким, ҳеч қачон инкор эта олмайди. Буни ўша бизга тош отаётган зотнинг ўзи ҳам мендан кўра яхшироқ билади.

Энди-чи? Ким қайси давлатни, қайси радиостанцияни эшитаман деса, марҳамат, бемалол, бу унинг шахсий иши. Ҳеч қандай тўсиқ ва монелик йўқ. Эндиликда ўша радиостанцияларнинг Тошкентда мухбирлари бор. Ходимларингиз бемалол ўз хизмат бурчларини бажаришаяпти, ким билан, нима ҳақда суҳбатлашаман деса -- бу уларнинг ихтиёри. Қани айтинглар-чи, барака топгурлар, шу гаплар ростми? Рост, буни сизлар инкор қила олмайсизлар.

«Биз воқеа ва ҳодисаларни холис ёритамиз» деган сўзларни ҳар куни неча бор такрорлайсизлар. Менда эса шубҳа бор бу сўзларингизга. Барчага аёнки, бир бор ёлғон аралашса, бунгача қилинган барча тоат-ибодат сувга оқади, бир пулга айланади. Касбимизнинг хусусияти ўзи шундай...

Ҳа, айтмоқчи, демак, сизларда ҳамма нарса кўнгилдагидек экан-да, деб истеҳзоли савол беришингиз мумкин. Йўқ, сира ундай эмас. Қачон, қаерда бир тузумдан иккинчисига ўтиш жараёни ўнғай кечган? Унутманг, биз ҳам ана шундай мураккаб ўтиш давридамиз. Ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий ҳаётимизда камчиликлар оз эмас. Уларни биз кўриб, ҳис этиб турибмиз. Газеталаримизни кўздан кечиринг, катта-кичик йиғилишларимиз ҳисоботи билан танишинг -- йўл қўйилаётган хато ва камчиликлар ҳақида очиқчасига гап бўляпти. Бу бизнинг ҳақлигимизни, кучимизни кўрсатади. Муаммоларни ҳал этиш, тугунларни ечиш ва шу асосда одимларимизни жадаллаштириш тадорикини кўряпмиз. Буни жаҳон афкор оммаси тан оляпти.

**Исмоил СУЛАЙМОНОВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.**

SPORT

## ЎЗБЕКИСТОН КУБОГИ УЧУН БАҲСЛАРДА

*Баҳор фаслининг дастлабки кунларини байдарка ва каноэчиларимиз Тошкент денгизида қарши олишди. Ўзбекистон кубоги учун баҳсларда республикамизнинг деярли барча кучли байдарка ва каноэчилари қатнашишди.*

*Спорт мухлисларига Владимир Казанцев, Андрей Шилин, Виталий Аносов, Ирина Лялина, Татьяна Левина, Инна Исоқова, Андрей Горелов каби номлар яхши таниш. Зеро, улар 12-Осиё ўйинларида республикамиз спорт шарафини муносиб ҳимоя қилишиб, қитъа Олимпиадасининг турли даражадаги медалларини қўлга киритишган эди. Айни кунда бу спортчилар Ўзбекистон Қуролли Кучлари терма жамоаси вакилларидир. Улар навбатдаги Ўзбекистон кубоги учун баҳсларда ҳарбийларга хос шижоат кўрсатиб, юқори натижаларга эришишди ва кубок баҳсларининг мазмун-моҳиятини белгилашди. Хусусан, 500 метр масофа бўйича байдарка жуфтлигида В. Казанцев ва А. Шилин барчани ортда қолдириб, биллур кубок соҳиблари бўлишди. Шу масофа бўйича яккалик баҳсларда ҳам айнан шу икки спортчи биринчи (Шилин) ва иккинчи ўринларни эгаллашди.*

*1000 метр масофа бўйича жуфтлик баҳсларида ҳам айнан улар марра чизиғини биринчи бўлиб кесиб ўтишди. Шу масофа бўйича яккалик баҳсларида яна бир ҳарбий спортчи Виталий Аносов маррага иккинчи бўлиб етиб келди.*

*Совриндор бўлишда ҳарбий аёллар ҳам ўз жамоадошларидан ортда қолишмади. Жумладан, 200 ва 500 метр масофа бўйича яккалик баҳсларида Ирина Лялина, 200 метр масофа бўйича жуфтлик баҳсларида Татьяна Левина ва Инна Исоқова, 500 метр масофа пойгасида байдаркачилар Татьяна Левина ва Надежда Гайшинец ғолиб чиқиб, Ўзбекистон кубогини қўлга киритишди.*

*Каноэ бўйича баҳсларда эса Игорь Лялин, Андрей Горелов 500, 1000 метр масофанинг жуфтлик ва яккалик баҳсларида биринчи ўринни эгаллашди.*

**Қаҳрамон САОДАТОВ.**

## ЁШЛИК ТАЖРИБАДАН УСТУН КЕЛДИ

*Жамоа бўлиб ўйналадиган спорт мусобақаларига қизиқиш ҳар доим юқори бўлган. Зеро, турли даражадаги маҳорат эгаси бўлган бир нечта спортчининг майдонда ўзаро «тил» топишиши ёки аксинча, уларнинг фикри ҳал қилувчи олий лаҳзаларда уйғунлашмаслигини кузатишнинг ўзи мароқлики, бу ўз навбатида учрашувда олдиндан айтиб бўлмас натижаларга олиб келади. Шу боисдан ҳам, футбол, хоккей, баскетбол, волейбол, қўл тўпи каби спорт турлари азалдан кўплаб мухлислар эътиборини ўзига жалб этиб келган. Волейбол бўйича Ўзбекистон чемпионатининг Қўқонда ўтказилган тўртинчи тур учрашувлари ҳам бундай қизиқишдан мустасно бўлмади. Баҳслар ҳам шунга яраша қизиқарли ўтди.*

*Учинчи турда ўйинчилари Ўзбекистон терма жамоаси ўзагини ташкил этадиган Самарқанднинг «Кинап» жамоасига қарши биринчиликнинг энг ёш волейболчиларига эга МҲСК жамоасининг кутилмаганда тенгма-тенг ўйнаши мутахассисларнинг эътиборини тортган эди. Ўшанда аввалига 2:0 ҳисобида, ҳал қилувчи учинчи партияда эса 14:11 ҳисобида олдинда бораётган, бор-йўғи бир очко умумий ғалабани таъминлайдиган лаҳзаларда ёш ҳарбийлар ташаббусни тажрибали самарқандликларга бериб қўйиб, нафақат партияда, балки учрашувда ҳам мағлубиятга учрагани. Қўқонда эса ҳарбийлар ана шу мағлубият аламини олишди. Айтиш жоизки, спортда камдан-кам содир бўладиган ҳодиса содир бўлди, яъни ёшлар шижоати тажрибадан устун келди. Ушбу учрашувда МҲСК 3:1 ҳисобида ғалаба қозонди. Натижада учинчи ўринда бораётган МҲСК учун бир поғона юқорида турган «Автомобилчи» (Қўқон) жамоасини очколар бўйича қувиб етиш имкони вужудга келди. Бироқ ҳарбийлар бунинг уддасидан чиқа олмади. Улар майдон эгалари билан бўлган ҳал қилувчи қизиқарли учрашувда 2:3 ҳисобида имкониятни бой беришди.*

*Тўртинчи тур учрашувларида пешқадам жамоа -- «Кинап» ҳам, «Автомобилчи» ҳам, МҲСК ҳам тўрттадан ғалабага эришди. «Кинап» ва «Автомобилчи» ўртасидаги учрашувда самарқандликлар ғалаба (3:1) қозонишди.*

**Шуҳрат РЎЗМОНОВ.**


# ЎЗБЕКИСТОН АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ САНОАТ-ҚУРИЛИШ БАНКИ

***маълум қиладики, акциядорларнинг умумий йиғилиши 1997 йил 25 апрель, соат 10.00 да қуйидаги манзилда бўлади: Тошкент шаҳри, "Ўзбекистон" кўчаси, 98 (Киночилар уйи).***

*Умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати 1997 йил 25 март ҳолати бўйича тузилган.*

***Кун тартиби:***

**1. Банкнинг 1996 йил иш якунлари ва банк фаолиятининг Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 26 февралдаги мажлисида сўзлаган маърузасидан келиб чиқадиган 1997 йилги асосий йўналишлари тўғрисида.**
**2. Банк Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи.**
**3. Бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳақидаги ҳисоб, фойдани тақсимлаш тартиби ва тўланадиган дивидендлар миқдорини тасдиқлаш тўғрисида.**
**4. Банк уставининг янги таҳрири тўғрисида.**
**5. Банк Тафтиш комиссиясининг Низомини тасдиқлаш тўғрисида.**
**6. Банк Кенгаши ва Тафтиш комиссиясини сайлаш.**
**7. Турли масалалар.**

*Банк акциядорларининг шўъба мажлисида сайланган вакиллар 1997 йил 25 апрель, соат 8.30 дан бошлаб юқорида кўрсатилган манзилда рўйхатга олинади. Акциядорлар вакиллари ўзлари билан:*

**- шахсий гувоҳномаларини;**
**- овоз бериш ишончномаларини олиб келишлари керак.**

*Йиғилишни тайёрлаш ва унда кўриладиган ҳужжатлар билан "Ўзсаноатқурилишбанк"да, қуйидаги манзилда танишиш мумкин:*

**Тошкент шаҳри, Абдулла Тўқай кўчаси, 3, 301- ва 303-хоналар.**
**Телефонлар: 33-61-74, 33-59-41.**





ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
А. УСМОНОВ.

*БЎЛИМЛАР:*
*Парламент 33-57-34;*
*Хатлар 33-07-48;*
*Мерос ва қадриятлар 36-29-89;*
*Қишлоқ хўжалиги 36-07-94;*
*Иқтисодиёт 36-36-65;*
*Маънавият 36-35-60;*
*Тунги муҳарририят 33-10-28.*
*Эълонлар 36-09-25, Вахтёр-33-10-60*

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир —И. Ўтбосаров.
Навбатчи — Г. Йўлдошева.
Мусаҳҳиҳ —Ш. Режапов.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001 Буюртма Г. — 0157 46.149 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2 Босишга топшириш вақти—21.00

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Босишга топширилди — 22.15 1 2 3 4 5 6